

## “ФУНУН УЛ-БАЛОҒА” ВА “БАДОЙЕЪ УС-САНОЕ” АСАРЛАРИДА АДАБИЁТШУНОСЛИК ЛУҒАТЛАРИНИНГ ИФОДАСИ

*Назарова Гулираъно Фахриддин қизи*  
*ЎзЖДТУ халқаро журналистика факултети*  
*1-босқич талабаси*  
*E-маил: назаровагулирано529@gmail.com*  
*Тел: +998957880398*

**Аннотация:** ушбу мақолада Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” ва Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Бадоеъ ус-саное” асарлари таҳлилга тортилган. Мазкур асарлардаги адабиётшунослик луғатларидан айримлари қиёсий жиҳатдан тадқиқ етилган.

**Калит сўзлар:** ғазал, байт, ирсол, санъат, истилоҳ, маснавий, иштиқоқ.

**Абстракт:** ин тҳис артисле, тҳе шоркс оф Шеикҳ Аҳмад Тарази “Фунун ул-балоға” анд Атуллаҳ Ҳусайнийс “Бадоеъ ус-саное” аре анализед. Дистионариес релатед то литерарй студией ин тҳесе шоркс ҳаве беен тҳороугҳлй ресеарчед.

**Key words:** гҳазал, версе, ирсал, арт, истилах, маснави, ентҳусиастис.

Шайх Аҳмад Худойдод Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асари 1437-йилда Улуғбек Мирзога атаб ёзилган, туркий тилда яратилган биринчи илмий-назарий асар ҳисобланади. “Фунун ул-балоға” асари ўз давридаги адабий ҳаёт еҳтиёж ва талаблари асосида юзага келган дейиш мумкин. Чунки форсий тилда шеър ёзадиган истеъдод егаларига аруз вазни, қофия ва шеърый санъатлар ҳақида китоблар, турли қўлланмалар кўп бўлган ҳолда, туркий тилда бундай асар, рисоалар йўқ еди.

Ўзбек адабиётшунослик тарихида шеършуносликка доир ўзбек тилидаги илк назарий қўлланма бўлган, Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” (“Етуклик илмлари”) асари кириш қисмдан ташқари 5 қисмдан иборат:

1-қисмда: шеърнинг ғазал, қасида, қитъа, рубойи, маснавий, мусаммат, мустазод, фард ва бошқа турларига кенг изоҳ берилган.

2-қисмда: қофия ва радиф масалалари ўрганилган.

3-қисмда: бадий тасвир воситалари ҳақида сўз юритилган.

4-қисмда: аруз вазни таҳлиliga батафсил тўхталинган.

5-қисм: муаммо жанрига бағишланган.

Рисолада адабий истилоҳларнинг маъносини изоҳлашда ҳар бир тилга олинган атамага мос равишда мисол келтиради. Мисоллар араб, форс, туркий тиллардаги наср ва назмий асарлардан олинган. Асарда жами 91 манбадан мисоллар келтирилган бўлса, шулардан 84 таси шоирларнинг шеърлари бўлиб,

қолган қисми Қуръони Карим, Ҳадиси шарифдан олинган. Шу ўринда асарда берилган адабий истилоҳларнинг изоҳланишига мисоллар келтирсак:

Ан-навъу ас-солису-фи баёнил-қитъа. Қитъа улдурким, аввалги мисраида қофия бўлмас. Ва ақалли икки байт бўлур. Ва мунинг ҳам аксари муқаррар ермас. Ҳар неча ким қофия тобсалар айтурлар. Тарозий айтур:

Гул юзунгни кўргали, ей рашки хур,  
Дамбадам кўз ёши қондин дам урар.  
Лаълингга нисбат етар ўзин ақиқ,  
Ул яманни кўрки, қондин дам урар.  
Мисоли дигар. Мавлоно Лутфий айтур-қитъа:

Бермагил дерлар вафосизға кўнгул,  
Ким анинг нўшидин ортиқ неши бор.  
Мен там кесмасмен, ўлсам, лаълидин,  
Жон менга жоним, кишининг неши бор. (

Ан-навъ-ул хомис фил баён-и-маснавий. Маснавий икки мисра бўлур. Иккаласи муқаффо нетокким манзум қиссаларни маснавий қилибтурлар.

Мисоли Бу Насақдин

Ало, ей хусн елининг подшоҳи,  
Жамолинг ояти лутфи илоҳий.  
Юзунгдур лола, қаддинг сарви озод,  
Ерур усрук кўзунг жодуйи устод.  
Юзунг узра қаро зулфунг балодур,  
Тилармен бўлса ул-юздин мало  
Рақибни орзулар юзи қироқин;

Тилар ўзига ул юзи қароқин. (Аҳмад Тарозий. Фунун ул-балоға. Хазина, 1996, 58-бет)

Асарда Аҳмад Тарозий адабий атаманинг изоҳидан олдин араб тилида қисқача кириш қисм беради. Истилоҳнинг изоҳига тўхталишда мисралар сони, қофияси айтилади, бироқ қандай маъно англатиши берилмайди. Изоҳдан сўнг мисоллар келтирилади.

Бадиий санъатларнинг изоҳини беришда ҳам шу йўлдан боради, бирор санъат ҳақида айтилганда аввал туркийда бир байт берилади. Бу байт аксарият ҳолатда Тарозийнинг ўз қаламига мансуб бўлиб, қуйида номи зикр етилажак санъат учун мисол саналади. Шундан сўнг муаллиф изоҳи келтирилади. Таърифлар деярли мауллиф ўз тилидан айтилади, бир-икки ҳолатлардагина бошқа манбаларга мурожаат қилади. Ҳар бир санъат изоҳидан кейин биринчи бўлиб туркий мисол келтирилади. Ундан сўнг ўрни билан форсий ва арабий мисоллар берилади. Муаллиф ҳар бир бадиий тасвир воситасига алоҳида

тўхталишга, уларни илмий изоҳлашга уринади. (С. Бердиева. Ўзбек ва инглиз адабиётшунослик луғатларининг қиёсий тадқиқи. 2024, 9-бет)

Айримларидан мисоллар келтириб ўтсак:

Ал-ирсолул-масал. Бу ул бўлурким, шеър ичинда масал келтурурлар. Бу икки қисм бўлур. Бир қисми улким, анингдек масал келтурурларким, ул масали қадимий бўлғай ва халқ аросинда машхур бўлғай. Мисоли буқим:

Ўлтурур соат манга айтурки: “Йиғла! Хуш келур”

“Ўчкуга жон қайғуси, қассобқа жир бу ғаме”.

Ва бу масал машхурдир. Мисол. Камол айтур:

Бар лаъли лабат жон зи сари шавқ фишондин. -

“Саҳл аст, вале зира ба Кирмон натвон бурд.”

Ал-иштиқок.

Қилурмен зоре, чун васлинг таманносида зор ўлдум

Қаро зулфунг ҳавосинда саботек беқарор ўлдум.

Бу санъат анингтек бўлурким, икки калима келтурурларким, бириси биридин муштоқ бўлғай. Мисоли дигар. Рашид айтур:

Чи банди чу унноб аз оби айб

Кулуру килобу либоро лабин.

Аҳмад Тарозий “Фунун ул-балоға” асарида ҳар бир келтирилган адабий ҳодисага илмий ёндашиб, бир қатор мисоллар билан изоҳлайди. Аҳмад Тарозийдан кейин мазкур илмда форсий тилда Атоуллоҳ Ҳусайний “Бадоеъ ус-саное” асарини ёзди. “Бадоеъ ус-саное” асари адабиётшуносликка доир терминлар ва уларнинг изоҳи берилиши билан диққатга сазавор. Мазкур асар дебоча, муқаддима, 3 сан’ат тури ва хотимадан иборат: дебоча китобнинг ёзилиш сабаби, муқаддима аруз вазни ва зиҳофлари хусусида бўлиб, 1-бобда 60 та лафзий сан’ат, 2-бобда 63 та ма’навий сан’ат, 3-бобда 23 та лафзий-ма’навий сан’ат тўғрисида ма’лумот берилган. Хотима 2 қисмдан иборат: биринчисида ше’рнинг ма’но билан боғлиқ иллатлари ҳақида фикр юритилиб, 2-бобда 15 та атамага изоҳ берилган. Асарда келтирилган адабий истилоҳларга юзланадиган бўлсак:

Талмиҳ каломда машхур қисса ё машхур нодир шеър ёки машхур мақолға ишорат етмақдин ибораттур.

Машхур қиссага ишорат мундоғдур (байт):

Нур-и чашмам, бе гул-и рўят ба бўстон ҳоли-ман,

Гашта ҳамчун ҳолат-и Яъқуб дар байту-л-ҳазан.

Машхур нодир шеърға ишорат мундоғдур (байт):

Пеш-и ман ҳосил-и кавнайн бувад як жав,

Мазраъ-и чарх чиро бинаму дос-и маҳ-инав?!

Машхур мақолға ишора андоғдур (байт):

Ашкро дар дийда парвардам баче, охир маро  
Кард русво-йи жаҳоне, дод некийро жазо.

Ирсол луғатта юбормоқтур. Бир жамоа орасида машҳур бўлган ва ул жамоа ўз каломинда турли ишларга ўхшатиш ва мисол тарризда кўп зикр қилган дoston ва ҳикоятларни масал дерлар. Аксар байтга масал келтириш, ани маҳбуб ё мамдуҳ ёки ўзга кишига юбормоқ учун бўлур, анинг учун бу санъатни анинг арзи еътибори била ирсолу -л-масал деб атаптурлар.

Ирсолу-л-масалайн машҳур қавлга кўра бир байтга икки масал келтурмақтур, андоқким (байт):

Мекашам хорий-и ту, чун набувад гул бе хор,

Мебарам ранж-и ту, чун ганж набошад бе мор. (Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадое ус-саное. Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981, 72-бет)

Бадий санъатлар изоҳида дастлаб луғатда қандай маънони ифода етишини келтириб, сўнг форс тилида битилган шеърлардан мисоллар берилади. Асарнинг сўнгги бобида 15 та адабий атамага изоҳ бериб ўтган, масалан:

Ғазал- луғатда хотунлар билан суҳбат қурмоқни севмақтур, истилоҳта маъшук жамолининг зикри ва ишқу муҳаббат аҳволининг зикридур.

Атоуллоҳ Ҳусайний 15 та атамага изоҳ берар екан, уларнинг луғатдаги маъноси ва истилоҳдаги маъносига батафсил тўхталиб ўтади, бироқ мазкур атамаларга мос равишда мисоллар келтирмаган.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Аҳмад Тарозий. Фунун ул-балоға. – Т.: Ҳазина, 1996
2. Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадое ус-саное. – Т.: Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981
3. Boltaboyev N. Adabiyot ensiklopediyasi. - Т.: Mumtoz so‘z,2015.
4. Ҳотамов Н, Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати – Т.: Ўқитувчи, 1979
5. Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари - Т.: Фафур Гулом номидаги нашриёт,2015
6. Каримов Б. Руҳият алифбоси - Т.: Фафур Гулом,2016.